

2019

The life and work of Izzuddin ibn al-Asir

Zarif Xidirov

International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Xidirov, Zarif (2019) "The life and work of Izzuddin ibn al-Asir," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 17.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss2/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Zarif XIDIROV,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ИЗЗУДДИН ИБН АЛ-АСИРНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

ЖИЗНЬ И ТВОРЧЕСТВО ИЗЗУДДИНА ИБН АЛ-АСИРА

THE LIFE AND WORK OF IZZUDDIN IBN AL-ASIR

Калит сўзлар: *Ибн Умар жазираси (ороли), Ибн Халликон, Мосул, Синжор, Харрон, Рикка, Зангийлар, Айюбийлар, оиласи, устозлари, шогирдлари, асарлари.*

Ключевые слова: *Жазира (остров) Ибн Умара, Ибн Халликан, Мосул, Синжар, Харрон, Рикка, Зангиды, Аюбиды, семья Ибн Асира, его наставники, его ученики, произведения.*

Key words: *Jazira (ireland) of Ibn Umar, Ibn Khallikhan, Mosul, Sinjar, Kharran, Rikka, The Zangs, The Ayubs, family of Ibn Asir, his mentors, his students, works.*

Ислом олимлари ёзиб қолдирган асарларнинг манбашунослик соҳасидаги аҳамияти беқиёсдир. Улар нафақат диний илмларда, балки жамият ривожини учун зарур бўлган дунёвий илмларда ҳам шухрат қозонган. Ана шундай забардаст олимлардан бири Иззуддин ибн ал-Асир бўлиб, аслида у муҳаддис бўлишига қарамасдан манбаларда кўпроқ муаррих сифатида тилга олинади.

Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Абдулкарим ибн Абдулвоҳид аш-Шайбоний ал-Жазарий 555/1160 йили Ибн Умар жазираси (Орол – Дажла дарёсини ойга ўхшаб ўраб турувчи соҳилда жойлашган, шимоли-шарқий томондан Сурияга яқин бўлган шаҳар [1;144 б.])да дунёга келган. Ибн Халликон ва Ёқут Ҳамавий асарларида у оролни Ҳасан ибн Умар ибн Хаттоб ат-Тағлабий барпо қилгани келтирилган [2; 138, 350 б.].

Ибн ал-Асирнинг ҳаёти ва ижодини батафсил ёритган манбани учратиш қийин. Чунки Ибн ал-Асир ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмаган. У ҳақида маълумот келтирганларнинг кўпчилиги Ибн Халликон Ибн ал-Асир ҳақида ёзган қисқагина тар-

жимаи ҳолидан фойдаланган. Ибн ал-Асирнинг фаолияти ҳақидаги барча маълумотларни табақот китобларидан ва унинг оиласи, ака-укалари ҳақида ёзилган асарлардан оламиз. Сабаби, унинг акаси ва укаси ҳам етук олим сифатида манбаларда келтирилган. Масалан, Жамолиддин ибн Али ибн Юсуф ўзининг «Инбаҳ ар-рувот аъла анбаҳ ан-нуҳот» [3; 257–260 б.] асарида Ибн ал-Асирнинг акаси Маждуддин ҳақида маълумотларни келтириб, Ибн ал-Асир ҳақида ҳам баъзи маълумотларни тақдим қилган.

Ибн ал-Асирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида аксарият табақот китобларида маълумотлар учрайди. Жумладан, унинг тўлиқ исми борасида ҳам кўплаб муаллифлар ўз асарларида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган:

Ибн Халликон: «У Абулҳасан Али ибн Абулкарим Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳид аш-Шайбонийдир. «Ибн ал-Асир ал-Жазарий» номи билан танилган ва «Иззуддин»⁵ унвони билан машҳурдир. Унинг Мосулдаги уйи фозиллар тўпланадиган жой эди. У билан Ҳалабда учрашганимда унда кўплаб фазилатлар, камтарлик ва олийжаноб хулқларни кўрдим» [1; 563 б.].

Ас-Софадий: «У Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳиддир. Аллома Иззуддин Абулҳасан ибн ал-Асир Абулкарим аш-Шайбоний ал-Жазарий ҳофиз, тарихчи олим, Маждуддин ва Зиёвуддинларнинг укаси бўлган» [4; 47 б.].

Ас-Субкий: «У Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳиддир. Тарихчи олим, ҳофиз, имом, насабшунос, адиб аллома Иззуддин Абулҳасан аш-Шайбоний ал-Жазарий камтар ва ҳурматли инсон эди» [5; 299–300 б.].

Имом Заҳабий: «У шайхулимом аллома, муҳаддис, адиб, насабшунос олим Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳид ал-Жазарий аш-Шайбонийдир» [6; 353 б.].

Юқоридаги маълумотларда келтирилгани каби ҳамда Мунзирий, Қовсий, Ибн ал-Ҳожиб, Ибн аз-Зоҳирий, Шарафуддин (Муҳаммад ибн Насруллоҳ, Ибн ал-Асирнинг укаси Зиёвуддиннинг ўғли), Ибн Халликон, Ибн ас-Саъий ва бир қатор олимлар зикр қилганидек, олимнинг тўлиқ исми Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Аб-

⁵ Иззуддин – диннинг иззати, диндаги иззатли киши деган маънони билдиради.

Мақолада Иззуддин ибн ал-Асирнинг манбаларда келтирилган тўлиқ исми, туғилган йили (ҳижрий-милодий), дунёга келган жойи ва унинг ҳозирги кундаги географик жойлашуви, Ибн ал-Асир ҳақида ўша давр уламоларининг фикрлари, бошланғич таълим олган мадраса ва устозлари ҳамда улар билан бўлиб ўтган баъзи воқеалар, кейинги илмий фаолияти ёритилган.

Шунингдек, Ибн ал-Асирнинг оилавий муҳити, ўз оиласининг Мосул ҳокимлари олдаги мартабаси ва нуфузи, бу давлатнинг уларга бўлган алоҳида эҳтироми ҳақида маълумотлар тақдим қилинган ва унда отасининг Ибн Умар оролида идора раиси ва хазиначи бўлиб ишлагани ва кейинчалик Зангийлар амирлигида Мосулда вазир ўринбосари бўлгани, шу билан бирга отаси фарзандларининг илм олишига алоҳида эътибор бергани, акиси Маждуддин ва унинг ҳомийлиги, доимо уларнинг уйларида уламолар ва давлат раҳбарларининг йиғилиши, укаси Зиёвуддин ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Шу билан бирга нима учун Ибн ал-Асир муҳаддис бўлишига қарамасдан тарихчи сифатида машҳур бўлиб кетгани ва унинг сабаблари, ўша давр сиёсий вазияти, умрининг охирида ўзини илмга бағишлаб барча соҳаларда, жумладан, тарих, насабунослик ва илмнинг бошқа жабҳаларига ўз ҳиссасини қўшгани қисман ёритилган.

Мақола якунида Ибн ал-Асирнинг илмий мероси ва ўздан кейин бизгача етиб келган асарлари рўйхати ва хулосалар берилган.

В статье приводится полное имя Иззуддина ибн аль-Асира, приведённые в источниках, дата рождения (по хиджре и григорианскому календарю), место его рождения и нынешнее географическое расположение этой местности, взгляды ученых того времени об ибн аль-Асире, а также сведения о медресе где он получил начальное образование и его учителя. В ней также описывается семейное окружение ибн аль-Асира, положение и авторитет его семьи перед правителями Мосула и особое уважение к ним. Упомянется о том, что его отец работал председателем и казначеем на острове Ибн Умар, затем стал заместителем визиря в Мосуле, в Зенгийском эмирате. Его отец уделял особое внимание обучению детей. Вместе с этим предоставляется информация о брате ибн аль-Асира Маждуддине и его спонсорстве, а также о постоянных встречах ученых в их доме, и о младшем брате Зиёвуддине.

В статье, в частности, отражаются причины того, что ибн аль-Асир, несмотря на то, что он был мухаддисом, прославился как историк, и то как к концу жизни он посвятил себя всем сферам, включая историю, генеалогию и другим отраслям науки. Описывается политическое положение того времени.

В заключение статьи приведено научное наследие ибн аль-Асира, а также список его произведений, дошедшие до нас.

The article gives the full name of Izzuddin ibn al-Asir, the date of birth (according to Hijra and the Gregorian calendar) given in the sources, his place of birth and the current geographical location of this area, the views of scientists of that time about ibn al-Asir, as well as information about the madrasa where he received his primary education and his teacher. It also describes the family environment of Ibn al-Asir, the position and authority of his family before the rulers of Mosul, and special respect for them. It is mentioned that his father worked as chairman and treasurer on Ibn Umar Island, and then became deputy vizier in Mosul, in the Zenghia emirate. His father paid special attention to teaching children. At the same time, information is provided on Ibn al-Asir's brother Majiduddin's and his sponsorship, as well as on the regular meetings of scientists in their home, and on his younger brother Ziyevdin.

The article, in particular, reflects the reasons that Ibn al-Asir, despite the fact that he was Muhaddis, became famous as a historian, and by the end of his life he devoted himself to all spheres, including history, genealogy and other branches of science. Describes the political situation of the time

In conclusion, the article presents the scientific heritage of Ibn al-Asir, as well as a list of his works that have come down to us.

дулкарим ибн Абдувоҳид ал-Жазарий аш-Шайбоний бўлиб, барча манбаларда бир хил келтирилган.

Ибн ал-Асир бошланғич таълимни «ал-Жазира»даги мадрасаларда олди. У ерда ўқиш, ёзиш, ҳисоб, луғат ва дин илмларидан бохабар бўлди. Унинг ўзи ёшлигида устозлари билан бўлган бир воқеани сўзлаб бериб, устозларининг илм ва маърифатдаги мартабасига ҳам ишора қилиб кетган: «571 /1175 йили рамазон ойининг 29-санаси жума куни қуёш тўсилиб, кундуз куни бўлишига қарамай ҳамма жой-

ни зулмат қоплади. Ҳатто юлдузлар кўрина бошладди. Ўша вақтда мен ёш бола эдим. Менга ҳисобдан дарс берган устозим билан бирга шаҳар атрофида эдик. Бўлаётган воқеалардан қаттиқ кўрқиб устозимни маҳкам ушлаб олдим. Устозим юлдузлар илмидан ҳам хабардор эди. Менга буларнинг ҳаммаси тезда ўтиб кетишини айтди. Ва шундай ҳам бўлди. Ўша вақтда мен Ибн Умар жазираси шайхларидан Али ибн Хаттоб ибн Зафар билан бўлган эдим, у авлиё, каромат соҳиби эди. Ҳуснихулқ, вазминлик,

сахийлик ва ибодатда ундай кишини кўрмадим» [7; 2512 б.].

Унинг отаси Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдувоҳид аш-Шайбоний, ал-Жазарий ёки Асириддин бўлган. У Ибн Умар оролида идора раиси ва хазиначи бўлиб ишлаган. Бу ҳақида Ибн ал-Асир ўзининг «Ат-Тарих ал-Баҳир фид-давла ал-отабекия» асари муқаддимасида оиласининг Мосул ҳокимлари олдидаги мартабаси ва нуфузи, бу давлатнинг уларга бўлган алоҳида эҳтиромини зикр қилиб ўтган. Айниқса, Малик Нуриддин Арслоншоҳни ҳурмат билан тилга олган [8; 90–91 б.]. Отаси ҳақида Заҳабий ўзининг «Сияр аълам ан-нубала» асарида қисман маълумот келтириб ўтган. Отаси у ерда Зангийлар амирлигида Мосулда вазир ўринбосари бўлган.

Ибн ал-Асирнинг оила аъзолари ҳукуматнинг юқори мансаб ва лавозимларида фаолият олиб борганлиги сабабли оиласининг Жазира, Мосул, Шом, Мисрнинг ҳоким ва амирлари ҳузурида обрўси билан эди.

Асириддин илми ва зийрак бўлгани учун фарзандларини ҳам маърифатли қилиб тарбиялади. Мосулда Маҳмуд ва зангийлар авлоди қурдирган мадрасалар кўп бўлгани учун доим олимлар билан гавжум эди. Шу сабабдан, Асириддиннинг фарзандлари у ерда илм олди. Ёшлигидан ёзиш ва ўқишга қизиққан Иззуддин тарихчи ва муҳаддис сифатида машҳур бўлди.

Болалари Ибн Умар ороли (жазираси)да туғилгани учун шу ерга нисбат берилиб, улар «ал-Жазарий» деб номланган. Ибн Умар ороли Дажла ва Фурот дарёлари оралиғидаги Мосул, Синжор, Ҳаррон, Рикқа каби бир нечта шаҳарларни ўз ичига олган ҳудуддир. Лекин Ибн Умар оролидаги ҳаммага ҳам «Жазарий» дейилмайди, балки ким Мосулга нисбат берилса «Мавсилиий», Синжорга нисбат берилса «Синжорий» дейилган [9; 269 б.]. Бутрус ал-Бустаний ўзининг «Даира ал-маориф» китобида уларнинг куняларига ҳам ишора қилиб, «Банул Асир ал-уломо» деб келтирган [10:462].

Оиласи:

Ибн ал-Асир араб тили муҳити шаклланган, иқтисодий жиҳатдан бой бўлган оилада туғилди. Унинг отаси мол-давлатли, савдогар киши бўлиб, Жазиранинг ўзида бир неча боғлари бўлган. Бу ҳақида тарихчи Ибн ал-Асир шундай ёзади: «Отам Ибн Умар жазирасининг амалдорларидан эди.

Оролнинг жануби-шарқий тарафида жойлашган бир қишлоқ бор бўлиб, унда бизнинг бир неча боғимиз бўларди» [8; 271 б.]. Бунга қўшимча яна шундай маълумотлар келтирилган: «У ерда бизнинг кўп мол-мулкимиз бор эди. Отам Мавсилда Зангий ҳукмдорлар ҳузуридаги ишончли амалдорлардан ҳисобланарди. Зангий ҳукмдорлардан Қутбиддин отамга Жазирадаги бир ҳудуд волийлигини ишониб топширди. Сўнгра шу ҳудуд хазинабони ҳам бўлиб ишладилар» [11; 225 б.]. Ибн ал-Асир отасидан ривоят қилиб қуйидагиларни келтиради: «Ибн Умар оролида Қутбиддиннинг волийси эдим. Кейин шу мансаб билан Мосулга кўчиб ўтдим (565 ҳ). Ва у ерда Иззиддин Масъуд қўл остида ишлай бошладим» [7; 270 б.].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики Ибн ал-Асир амалдор, илм-маърифатли, зиёли хонадонда улғайди. Мана шу шароит Ибн ал-Асирда илмга бўлган ўзига ишонч туйғусини шакллантирди. У ўзини илмга бағишлаб барча соҳаларда, жумладан, тарих, насабшунослик ва илмнинг бошқа жабҳаларида ўз қобилиятини намоён қилди.

Кейинчалик отаси Абулкарим Асириддин Муҳаммад ал-Жазарий 565/1169 йилда болалари билан Ибн Умар оролидан Мосулга кўчиб кетди. Мосулга кўчиб ўтгандан кейин ҳам уларнинг уйи шаҳарнинг олим-фузалолари, адиблари ва юқори мансаб эгалари йиғиладиган уй бўлди. Бу мажлисларда турли хил мавзудаги илм, воқеа-ҳодисалар гапирилди. Хусусан, мансабдор шахслар Мосул амирларининг сийратлари, уларнинг хос ва умумий ишлари ҳақида сўзлаб берарди. Табиийки, бу йиғинларда Ибн ал-Асир ҳам иштирок этар ва улар айтётган маълумотларни ёзиб борар эди. Бу ҳақида Ибн ал-Асир ўзининг «Ат-Тарих ал-Баҳир фид-давла ал-отабекия» асари муқаддимасида Зангийлар ҳақидаги асосий маълумотни отасидан олганини айтиб ўтган [8;10 б.]. Ибн Халликоннинг келтиришича отаси вафот этгач, оила бошлиғи акаси Мажидуддин бўлди. Унинг мавқеи эътибори билан уларнинг уйларидаги илм мажлиси тўхтаб қолмади. Акаси вафот этгач, унинг ўрнини Ибн ал-Асир эгаллади ва унинг даврида ҳам олимларнинг илмий суҳбатлари давом этиб турди. Ибн ал-Асирдан кейин укаси Зиёуддиннинг атрофида ҳам то у вафот этгунга қадар уламолар жамланиб турди [1; 141 б.].

Ибн ал-Асирнинг акаси ва укаси ҳам илмий муҳитда улғайганлиги сабабли ҳукумат ишларида

ишлаганликларига қарамай доим илм билан машғул бўлдилар ва қимматли асарлар ёзиб қолдирдилар.

Ибн ал-Асир кенг кўламли билимлар эгаси бўлса-да, кўпроқ тарихчи сифатида шухрат қозонди. Бунга у яшаган даврдаги сиёсий муҳит ҳам таъсир қилган бўлса, эҳтимол. Чунки шарқда салжуқийлар, хоразмийлар, Тихомадан Ямангача бўлган бир қанча шаҳарлар ва грузинлар орасида жанглар бўлар эди. Хоразмийларнинг ҳокимияти уларга чегарадош амирликларга қадар етиб борган эди. Улар кучли давлат барпо қилган бўлиб, бир қанча шаҳарлардан тўпланган кўп сонли қўшин қаршисида хоразмийлар чекинишга мажбур бўлган.

Ибн ал-Асир ўз замонасидаги олимлар орасида ҳам ҳурматга эга эди. Шомга бир неча марта сафар қилди. Шомдаги олимлар, айюбийлар оиласидаги кўзга кўринган шахслар ва ҳукуматнинг олий мартабали кишилари билан ўзаро суҳбатда бўлди. Салоҳиддин ал-Айюбий билан бирга Фаластинда салбчиларга қарши жангда иштирок этган. Мосулдан элчи сифатида Бағдодга ҳам бир неча бор сафар қилган.

Ибн ал-Асир бир неча йиллик ҳукумат ишларидан бўшаганидан сўнг китоб ёзиш билан машғул бўлди. Умрининг охириги йилларини уйда зиёратчи ва талабалар билан ўтказди. Ибн ал-Асир 639/1232 йили, шаъбон (июнь) ойида 75 ёшда Мосулда вафот этди [12; 209–210 б.].

Асарлари:

Ибн ал-Асир ҳадис, сийрат, тарих, насаб, баён (стилистика) ва одоб илмларига оид бир неча қимматли асарлар тасниф қилди. Унинг энг машҳур асарлари қуйидагилар:

- «Ал-Комил фит-тарих» (Мукаммал тарих);
- «Усд ал-ғоба» (Ўрмон шерлари);
- «Тарих ад-давла ал-отабекия би-л-Мавсил» (Мосулдаги Отабекия давлати тарихи);
- «Ал-Лубоб фи таҳзиб ал-ансоб» (Насабларни ўрганишда сараланган маълумотлар);
- «Ал-Жомеъ ал-кабир» (Катта тўплам);
- «Тухфа ал-ажаиб ва турфа ал-ғароиб» (Ажойиб тухфалар ва ғаройиб совғалар);
- «Адаб ас-сияса» (Сиёсат одоблари).

Хулоса қилиб айтганда, Иззуддин ибн ал-Асирнинг асарлари ҳадисшунослик, насабшунослик ва тарих соҳаларини ўрганишда муҳим ва ишончли манбалар бўлиб, айниқса унинг «ал-Комил фи-т-тарих» асарида Мовароуннаҳр тарихига оид қимматли маълумотларни учратишимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ibn Xallikon. Vafayot al-a'yon. – Bayrut: Dor sadr, 1994. J.4. B.144.
2. Yoqut Hamaviy. Mu'jam al-buldon. – Bayrut: Dor al-fikr, 1979. J.2. B.138; Ibn Xallikon. Vafayot al-a'yon. – Bayrut: Dor sadr, 1994. J.3. B.350.
3. Jamoliddin ibn Ali ibn Yusuf al-Qiftiy. Inbah ar-ruvot a'la anbah an-nuhot. – Bayrut: Muassasa al-kutub as-saqafiyya, 1986. B. 257–260.
4. Salohiddin ibn Xalil ibn Oybek as-Sofadiy. Al-vofiy bil vafayot. – Bayrut: Dor ihyo at-turos, 2000. J.7. B.47.
5. Tojuddin Abu Nasr Abdulvahhob ibn Ali as-Subkiy. Tabaqot ash-shafi'yya al-kubro. – Qohira: Faysal Iso al-Babiy al-Halabiy, 1964. J.8. B.299–300.
6. Muhammad Zahabiy. Siyar a'lam an-nubala. – Bayrut: Dor ar-risala, 1996. J.22. B.353.
7. Ibn al-Asir. Al-Komil fit-tarix. – Bayrut: Al-maktaba al-asriyya, 2008. J.2. B.2512.
8. Ibn al-Asir. At-Tarix al-bahir fid-davla al-otabekiyya. – Qohira: Dar al-kutub al-hadisa, 1995. B. 90–91.
9. Abdulkarim Muhammad ibn Mansur at-Tamimiy as-Sam'oniyy. Kitob al-Ansob. – Haydarobod: Doira al-maorif al-usmoniyya, 1964. J.3 B. 269.
10. Butrus al-Bustaniyy. Kitab Daira al-maorif (Qomus). – Bayrut: Dar al-maorif, 1881. J.6. B.462.
11. Ibn Shaddod. Al-A'laq al-xatira fiy zikri umaro ash-Sham val Jazira. – Damashq: Ihyo at-turos al-arabiyya, 1991. J.3 B.225.
12. Ibn Kasir. Al-Bidaya van-nihoya. – Bayrut: Dar al-maorif, 1990. J.17. B.209–210.

